


***«МИКРОБИОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ***



**РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ *«АКТУАЛЬНЫЕ
ПРОБЛЕМЫ МИКРОБИОЛОГИИ»***

**АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ
МАТЕРИАЛЫ КОНФЕРЕНЦИИ**

Тошкент / Ташкент

Mansurova M.H. EPIDEMIOLOGICAL FEATURES OF THE COURSE OF LEPTOSPIROSIS	134
Расулова Н.Ф., Аминова А.А. ЗНАЧЕНИЕ ПОЛНОЦЕННОГО ПИТАНИЯ ДЕТСКОГО ВОЗРАСТА В ПРОФИЛАКТИКЕ И ЛЕЧЕНИИ РЯДА ЗАБОЛЕВАНИЙ	135
Собирова Д.Р., Нуралиев Н.А., Усманов Р.Д., Азизова Ф.Х., Пулатов Х.Х. СОЯ УНИНИНГ ОЗУҚАВИЙ ҚИЙМАТИ, МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ВА РАДИОНУКЛИДЛАР КЎРСАТГИЧЛАРИ (24-СОНЛИ)	137
Умарова М.А., Матназарова Г.С., Брянцева Е.В. НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҚИЗАМИҚ КАСАЛЛИГИНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИГИ	138
Xomidova G. F, Abdukaurova M.F. BOLALAR XIRURGIYA SOHASI KASALXONA ICHI INFEKSIYALARINING PROFILAKTIKASI	140
Юсупов О.О., Мирзаева Г.А., Курбанов Б.Ж. СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ОБЕЗЗАРАЖИВАНИЯ ВОЗДУШНОЙ СРЕДЫ ОТ ВИРУСОВ ТИПА COVID-19 И МИКРООРГАНИЗМОВ.	142
Юсупов О.О., Мирзаева Г.А., Курбанов Б.Ж. ОБЗОР ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОТИВОВИРУСНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ	144
БИОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ БИОЛОГИЯ И МЕДИЦИНА	147
Авезов Н.Ш., Қодирова Д.А., Максудова А.Н., Бобоев К.Т. КЎКРАК БЕЗИ САРАТОНИ РИВОЖЛАНИШИДА БИОКИМЁВИЙ ВА ТР53 ГЕНИ PRO47SER ЛОКУСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ БОҒЛИҚЛИГИ	147
Akhmedova S.M., Nortayeva N.A., Nortayev A.B. TO STUDY THE MORPHOLOGICAL CHANGES IN THE TOOTH AGAINST THE BACKGROUND OF EXPERIMENTAL HYPOTHYROIDISM	148
Allaberganova Z.S., Tangriberganova N.R. HEREDITARY PREDISPOSITION TO GASTRIC AND DUODENAL ULCERS	152
Менглиева Б.Б., Самандарова Б.С., Закиров Ш.Ю. КЛИМАКС И РАК МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ	153
Najmutdinova D.K., Urunbayeva D.A., Sodiqova N.G', Murodova H.B. DIABETIK POLINEYROPATIYAR RIVOJLANISHIDA VITAMIN D YETISHMASLIGINING POTENTIAL ROLI	154

одного дня, по этому вопросу будет лечащий врач.

СОЯ УНИНИНГ ОЗУҚАВИЙ ҚИЙМАТИ, МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ВА РАДИОНУКЛИДЛАР КЎРСАТГИЧЛАРИ (24-СОНЛИ)

Собирова Д.Р.¹, Нуралиев Н.А.², Усманов Р.Д.³, Азизова Ф.Х.⁴,
Пулатов Х.Х.⁵.

Тошкент тиббиёт академияси

Биз ўрганаётган маҳсулотда инсон организмига зарарли бўлган микроэлементлар ва радионуклидлар борлигини ўргандик.

Тадқиқотлар Республика ДСЭНМ озик-овқат гигиенаси бўлимида олиб борилди. Тадқиқот натижалари 1.1 жадвалда келтирилган.

1.1 жадвал

24-сон соя унидаги микроэлементлар ва радионуклидлар таркиби

Кўрсаткичлар	Меъёрда	Маҳсулотда
Кўрғошин	1,0 мг/кг кўп эмас	0,13
Арсений	1,0 мг/кг кўп эмас	Аниқланмади
Кадмий	0,2 мг/кг кўп эмас	Аниқланмади
Симоб	0,03 мг/кг кўп эмас	Аниқланмади
¹³⁷ Cs	80 Бк/кг кўп эмас	18,9 Бк/кг
⁹⁰ Sr	100 Бк/кг кўп эмас	36,7 Бк/кг

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, инсон саломатлигига хавфли микроэлементлар - кўрғошин, арсений, кадмий, симоб ва радионуклидлар - ¹³⁷Cs, ⁹⁰Sr ЎзР СанҚваМ 0283-10да келтирилган меъёр кўрсаткичларидан ошмади. Агар хавфли микроэлементлар умуман аниқланмаган бўлса, радионуклидлар меъёр чегараларида аниқланди.

Шу билан бир қаторда юқорида келтирилган санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига кўра 24-сон соя унида микотоксинлар қаторига кирувчи афлотоксин В₁, пестицидлар ва уларнинг хосилалари борлиги ҳам текширилди (1.2 жадвал).

1.2 жадвал

24-сонли соя унидаги микотоксинлар ва пестицидлар таркиби

Кўрсаткичлар	Меъёрда	Маҳсулотда
Афлотоксин В ₁	0,05 мг/кг кўп эмас	Аниқланмади
α, β, γ - ГХЦГ	0,2 мг/кг кўп эмас	Аниқланмади
ДДТ, ДДД, ДДЕ	0,02 мг/кг кўп эмас	Аниқланмади

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, текширилаётган маҳсулотлар таркибида пестицидлардан α, β, γ - гексахлорциклогексан (ГХЦГ) ҳамда дихлордифенилдихлорэтилен (ДДТ), дихлордифенилдихлорэтан (ДДД), дихлордифенилтрихлорэтан (ДДЕ) аниқланмади [144; 590-600-б.].

Юқорида келтирилган СанҚваМ 0283-10 бўйича текширилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги микроорганизмлар таркибини аниқлаш мажбурий қилиб қўйилган [31; 190-198-б, 69; 76; 15-17-б, 87; 65-75-б.].

Агар меъёрда (СанМваҚ 0283-10) мезофил аэроб, факультатив анаэроб микроорганизмлар миқдори (МАФАММ) 1 грамм маҳсулотда 5×10^4 колония ҳосил қилувчи бирлик (5×10^4 КХҚБ/г) миқдори бўлса, текширилаётган маҳсулотда унинг миқдори $1,0 \times 10^3$ КХҚБ/г ни ташкил этди ($P < 0,001$). Шунга ўхшаш кўрсаткич моғор замбуруғлари миқдоридан кузатилди, меъёрда улар миқдори 100 КХҚБ/г гача бўлган ҳолда маҳсулотда 20 КХҚБ/г миқдорда бўлди, яъни меъёрнинг юқори кўрсаткичидан 5 баробар кам аниқланди ($P < 0,001$).

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҚИЗАМИҚ КАСАЛЛИГИНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИГИ

Умарова М.А., Матназарова Г.С., Брянцева Е.В.
Тошкент Тиббиёт Академияси

Мавзунинг долзарблиги: ЖССТ маълумотларига асосан дунё бўйича 2020-йилда коронавирус пандемияси сабабли 22 миллиондан ортиқ чақалоклар қизамиққа қарши вакцинанинг биринчи дозасини ололмаган, бу 2019-йилга нисбатан 3 миллионга кўп демак. Қизамиққа қарши эмлаш билан боғлиқ ушбу ҳолат инфекциянинг янги ўчоқлари учун хавфли муҳит яратади.

ЖССТ ва СДСнинг маълумотларига кўра, 2020-йилда қизамиқ устидан олиб бориладиган эпидемиологик назорат ёмонлашган. Шу билан бирга, ўтган йили 26 та давлатда қизамиқ ўчоқларининг эпидемик авж олиш қайд этилган.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти вакцинация тадбирларига мувофиқлаштирилган мамлакат ёндашувини амалга ошириш ва ушбу вакцина олдини олиши мумкин бўлган касалликдан ўлим ҳолатларини камайтириш учун қизамиқ касаллигини ўз вақтида аниқлаш ва қизамиқ вирусларининг халқаро миқёсда тарқалишини назорат қилиш мақсадида глобал лаборатория тармоғини мустаҳкамлаш давом этмоқда.

Тадқиқот мақсади: Наманган вилоятида қизамиқ касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш асосида иммунопрофилактика билан болаларни эмлашни ташкил этишда тўлиқ қамраб олиш эмлаш самарадорлигини ошириш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Эпидемиологик таҳлил ўтказиш учун Наманган вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси қизамиқ инфекцияси тўғрисидаги